

ЎЙЛАНМАГАН ИШ КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Улар «Фаргона ААД» ҳиссдорлик жамиятидан 2 донга 20 млн. 981 минг сўмлик «Нексия» автомобилларини бошқа фуқаролар номига олиб, кўп ўтмай уларни сотиб юборишади.

2
бет

БАҲОРНИНГ ҲАР КУНИ ҒАНИМАТ

«Дехон қанчалик тажрибали бўлмасин, техникаси шай бўлмаса, минерал ўғитлар ўз вақтида берилиб, суғориш ишлари меъёрида ташкил қилинмаса, кўнгалдагидек ҳосил олиш қийин.

4
бет

ҚОНУНБУЗИЛИШИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

116 минг килограмм пилла «хирмон»га кўшиб ёзилгани юзга чиқди. 139 млн. сўмдан зиёд маблағни ўзлаштиришга бел боғлаган «азаматар»га нисбатан жиноят иши кўзга тилиди.

9
бет

ЎҒЛИНИ ЁНДИРГАН ОТА

«Матоларнинг довўлаб ёниб, бир зумда эриб қора сакичга айланганидан дахшатга тушибди. «Адам мени ўлдирди. Нима учун молларни ёнишига қараб турдинг, нега ўчирмадинг, деб ўлдирди».

10
бет

Нидо



**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI**

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 10-aprel, № 15 (588)

БОШ ПРОКУРАТУРАДА



мини мустаҳкамлаш, тadbirkorlik субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш, қишлоқ хўжалиги ҳамда суд-ҳуқуқ соҳаларида ислохотларни жадаллаштиришга оид қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талаблари ижросини таъминлашга қаратилганлиги қайд этилди.

Мазкур соҳаларда аниқланган қонунбузиш ҳолатлари прокурор назорати ҳужжатлари орқали бартараф қилиниб, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари кўрилган.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, қонунлар ижроси нозоратни таъминлашда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кескин танқид остига олинди.

Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Рашидjon Қодиров раислигида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар иштирок этди.

Ҳайъат мажлисида Тошкент шаҳар, Бухоро, Фарғона вилоятлари ҳамда Ўзбекистон Транспорт прокуратураларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини комплекс текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Мазкур прокуратура органлари назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни иқтисодий эркинлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тўлов интизо-

Ўтказилган текширишларда аниқланган нуқсонлардан тўри хулоса чиқариб, уларни бартараф этишнинг кечиктириб бўлмайдиган чораларини кўриш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Мажлис якунида Бош прокурор Рашидjon Қодиров фаолияти муҳокама этилган прокурорлар олдида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва назоратни кучайтириш борасида қатъий талаблар қўйди.

Бош прокуратура ҳайъати прокуратура ходимларининг масъулиятини кучайтириш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ва ўз вазифасига муносиб бўлиши учун касбий тайёргарлиги ва билимини мунтазам ошириб бориши лозимлигини алоҳида таъкидлаб, қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ҳалим БОЛТАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 11, 23-моддалар, №9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007-йил, №4, 166-модда, №6, 248, 249-моддалар, №9, 422-модда, №12, 594, 595, 607-моддалар) **389-моддаси иккинчи қисмидаги** «244-моддалари, 273-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар «244-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 7 апрел
№ЎРҚ - 141

ЭЪТИРОФ

Ишончни оқлаймиз

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишни мувофиқлаштириб бориш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан саналади.

Соҳада хизмат қилиб келаётган фидойи инсонларнинг самарали меҳнатлари ила қонун устуворлигини таъминлашда ижобий натижаларга эришилмоқда. Албатта уларнинг меҳнатлари ҳукуматимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб келинмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан буён прокуратура ходимларидан 180 нафардан ортиги давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан тақдирландилар. Бу эса ўз навбатида эътибор ва эътироф белгисидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан «Йилнинг энг яхши терговчиси», «Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси» ҳамда «Йилнинг энг яхши прокурори» танловларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомларнинг тасдиқланиши ҳам қилинган меҳнатни рағбатлантиришга қаратилган.

Яқинда Бош прокуратурада бўлиб ўтган йиғилишда ўтказилган танлов якунлари эълон қилинди. Унга кўра, Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурори Эркин Йўлдошев «Йилнинг энг яхши прокурори» танлови голиби деб топилди. «Йилнинг энг яхши терговчиси» номинациясида Бош прокуратуранинг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Улуғбек Хуррамов голиб бўлди. Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Шухрат Таштемиров эса «Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси» номинациясида голибликни қўлга киритди. Шунингдек, юқори иш кўрсаткичларига эришган ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш ва қонунийликни таъминлашда фаол деб топилган бошқа совриндорлар ҳам аниқланиб, Бош прокурорнинг буйруғи билан рағбатлантирилди.

Албатта, бу каби эътироф ҳамда ишонч ҳар бир ходимдан хизмат бурчида садоқатли бўлиш, ўз устида доимий ишлаш ҳамда изланувчанлик масъулиятини янада оширади.

Адхамжон МАМАТАЛИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

СУҲБАТ

Қишлоқ хўжалиги ислохотлар йўлида

Бош прокуратуранинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи
Нурилла ЖАББОРОВ билан суҳбат

— Нурилла Шукрорович, ўзингизга маълум, ўтган йили қишлоқ хўжалиги соҳасида ушбу йўлнинг қўлга киритилди. Давлатга дон ва пахта сотиш режаси орттиги билан удаланди. Бироқ, айрим вилоят ва туманларда аграр соҳада содир этилаётган қонунбузарликлар, айрим ҳоқимларнинг «даврий келди сур беим», қабилида иш тутиши бу йўлларга соя соямоқда.

— Соҳадаги муаммо ва қонунбузарликларни бартараф этиш бандчилигини биринчи галдаги вазифамиздир. Асосий эътибор пахта ва галла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратилишда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, минерал ўғитлар ва ёнили-моблаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, фермер хўжалиқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилмоқда. 2007 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси

юзасидан ўтказилган 4142 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 121 минг 817 та прокурор назорати ҳужжатлари қўллангилди. Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш бўйича 2657 та протест келтирилди. Прокурорларнинг тақдимнома ва қарорлари асосида 39 минг 852 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 1,9 млрд. сўмдан ортқ зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилди. Судларга 49 млрд. сўмлик зарарини ўлдирдиш бўйича 20 минг 253 та ариза киритилди. Шунингдек, жиддий қонунбузилишлар юзасидан 1138 та жиноят иши кўзга тилиди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бошида жойлардаги туман ҳокимлари туриши керак. Аммо баъзи туман ҳокимлари ўз манфаатини ўйлаб, қонунбузарликларга йўл қўймоқда. Жумладан, ҳозирда ўз вазифасидан бўшатилган Балиқчи туман ҳокими А.Мамаджонов, Бўз

туман ҳокими Б.Абдуллаев, Марҳамат туман ҳокими Қ.Мадррахимов, Чироқчи туман ҳокими Н.Қаюмов, Шовот туман ҳокими Б.Исламов ана шулар жумласидандир.

Оҳангарон тумани ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги, «Ергодезкадаст» бўлимидаги мансабдор шахсларни мансабдорликка қўйишга йўл қўйишга оқибатда давлат манфаатларига 318 млн. сўмлик зарар етказилган. Ушбу ҳолатлар юзасидан туман ҳокими М.Мирзабоев жиноий жавобгарликка тортилди. Бу даврда 67 нафар мансабдор шахс томонидан 2627 гектардан ортқ унумдор ерни таниш-билишлар ва қариндош-уруғларга фавриқонуний равишда бериш, кейинчалик ерларни пора эвазига сотиш каби суиистеъмолчиликларга йўл қўйилган.

(Давоми 4-бетда).

Фуқаро кредит олди

Бойсун тумани Бандликка кўмаклашувчи марказ директори З.Норов «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ёки, ҳеч бўлмаганда Глиция Вазирига 2006 йил 2 май куни рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом билан ўз вақтида танишиб чиққан, албатта. Зеро, унинг лавозим масъулияти ҳам шунга тақозо элади. Лекин билиш бошқа, унга амал қилиш бошқа экан-да!

Фуқаро Р.Хурсандованинг олдиси кам таъминланган оила-

лардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Р.Хурсандова микрокредит олиш ва шахсий ёрдамчи ҳўжалигида қорамол боқиб, чорвачиликни йўлга қўйиш орқали даромад топишни ният қилди. Шу мақсадда Бойсун тумани Бандликка кўмаклашувчи марказ директори З.Норовнинг қабулида бўлди.

Аслида эса фуқаро Р.Хурсандова микрокредит олиш марсаласида қондага мувофиқ тижорат банклари филиалларидан бирига мурожаат қилиши керак эди. Лекин бу тушунмовчиликни ўз вақтида бартараф этиш ҳам мумкин эди.

З.Норов фуқаро Р.Хурсандова ва бошқа яна бир неча кишининг микрокредит сўраб ёзган аризалари ҳамда расмилаштирилган ҳужжатларини қабул қилиб

олган-у, тегишлилик бўйича тижорат банк филиалларига юбормасдан ва ариза муаллифларига қонуний ҳўқуқларини тушунтирмасдан ўзида сақлаб келган. З.Норовнинг қабулига қатнашиб чарчаган, бундай ҳолат билан муроа қилишни хоҳламаган Р.Хурсандова прокуратурага шикоят қилишга мажбур бўлган.

Сурхондарё вилоят прокуратураси аралашуви билан ариза муаллифи микрокредит бериш қонун талабларига қўра тижорат банк филиалларига юклатилганлиги тушунтирилди. Унинг кредит сўраб ёзган аризаси акционерлик тижорат «Пахтабанк»нинг Бойсун филиалига топширилди. Банк филиали томонидан фуқаронинг кредит олиш билан боғлиқ ҳужжатлари

банкнинг вилоят бошқармаси орқали вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасига юборилиб, шу йил 10 март куни Р.Хурсандовага иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,2 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиши таъминланди.

Марказ директори З.Норовга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш юзасидан қарор чиқарилди. Шунга асосан у вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан интизомий жавобгарликка тортилди.

Алишер ТОҒАЙМУРОДОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Ўйланмаган иш келтирар ташвиш

Департаментнинг Фузор туман бўлими МХХнинг туман бўлими ва туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда унинг уйи кўздан кеңирилганда, Шуҳрат Бердиев аширин цех ташкил қилиб, қўйбола усулда пахта ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келганлиги фож қилинди. У муқаддам шу каби қинғир ишлари учун судланган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармаган экан.

У ўзи раҳбарлик қилаётган «Шалола Ғайратовна» фермер ҳўжалиги ерларида 2007 йилда етиштирилган, давлат монополиясида бўлган пахта хом ашёсини давлатга топширмасдан уни қайта ишлаб келган. Шуҳратнинг уйи ва ёрдамчи ҳўжалиги хоналаридан чигит ва толини ажратишда, ёғ ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ускуналар, жами 891 минг 916 сўмлик махсулот ашёвий далил сифатида олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан Ш.Бердиевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларга янада кенгрок қўлайлик яратиш борасида жуда катта ишлар қилинмоқда. Лекин орамизда бундан фарзли мақсадларда фойдаланишга уриниб, фақат ўз манфаатини уйлайдиганлар ҳам учраб турибди.

Департаментнинг Қашқадарё вилояти Қарши туман бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида шу турдаги бир қатор жиноятлар фож этилди. Фуқаро Ф.Ширинов, Ш.Пўлатов, Т.Йўлдошевлар ўзаро олдидан жинойи тил бириктириб қалтис ишга қўл уришган. Улар 2003 йил сентябрь-октябрь ойларида ДТ «Ҳўйжойжамғармабанк»нинг Қашқадарё филиалидан кредит маблағлари ҳисобидан «Фаргона ЛАДА» ҳиссадорлик жамиятидан 2 дона 20 млн. 981 минг сўмлик «Нексия» автомобилларини бошқа фуқаролар номига олиб, кўп ўтмай улари сотиб юборишди. 2004 йил февраль-март ойларида бу ишларни яна давом эттиришиб, «Уктамбанк»дан кредит маблағлари ҳисобига яна 4 дона 43 млн. 556 минг сўмлик «Нексия» автомобилларини бир нечта фуқаролар номига олишиб, улари ҳам сотиб юборишди. Бу сафар банк манфаатларига жуда кўп микдорда зарар етказишди. 15 млн. 557 минг сўмлик кредит қарзларини қайтаришни эса хаёларига ҳам келтиришмайди.

Ф.Ширинов ва унинг шериклари бундай жинойи фаолият натижасида қўлга киритилган жами 64 млн. 537,0 минг сўмлик даромаддан легаллаштирилганлар. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг бир қанча моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Ўйланмаган ишнинг охири вой бўлади. Лекин буни била туриб, айримларнинг қинғир ишга қўл уриши ачинарлидир.

Рустам КУШШАЕВ,
Бош прокуратура ҳўзуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Қашқадарё вилоят бошқармаси матбуот гурӯҳи катта инспектори

Самарқандни ер юзининг сайқали дейишди. Афсуски кейинги пайтда мана шу шаҳар ҳўснига доғ бўлди-ган ноҳуш ҳолатлар кўзга ташланадиган бўлиб қолганди. Вақтида олиб кетилмаганлиги боис кўчалар, хиёбонлар, маҳаллаларда чиқиндилар тоғ-тоғ бўлиб йиғилиб қолар, бу эса аҳоли ва меҳмонларнинг кайфияти бузилишига сабаб бўларди. Ўтган йили Самарқанд вилоят прокуратураси раҳбарияти шу масалага эътибор қаратади: нега шаҳарда чиқиндилар кундан-кунга кўпаймоқда? Негиз тегишли ташкилотларнинг чиқиндини ташиб кетишга қуввати етмаяпти?



ШАҲАР ОЗОДАЛИГИ БИЛАН ОБОД

Бу саволларга жавоб топиш мақсадида «Чиқиндилар тўғрисида» ва «Ҳўжалик юри-тувчи субъектлар фаолиятининг шартно-мажлис-ҳўқуқий асослари тўғрисида»ги қонунлари юзасидан текширишлар ўтказилди. Маълум бўлишича, тегишли идоралар раҳбарлари хизмат вазифарига со-вўқонлик билан ёндашиб келганликлари сабабли шаҳардаги тозалик ва ободон-лаштириш аҳоли ўта ачинарли ҳолга ту-шиб қолган. Шаҳардаги 3000 дан ортик қорхона ва ташкилотлар йиллар мобайнида чиқинди ташиб кетиш бўйича шартномалар тузмаган. Тузилган шартномалар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида ўз вақтида маблағлар келиб тушмаган. Нати-жада, ободонлаштириш департаменти мод-дий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолиб, ходимлар кетиб қолган. Техникалар вақти-да таъмирланмагач, бирин-кетин ишдан чиққан.

Мазкур ҳолат юзасидан чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишга масъул

бўлган Самарқанд шаҳар ҳўқимлиги ко-мунал масалалари бўйича котибият мудири Ш.Ҳотамов, шаҳар табиати муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи М.Жумаев, шаҳар давлат санитария эпидемиология маркази бош врач О.Бойқобил, 1-сон санитар тозалик бўлими бошлиғи Ш.Аҳме-дов ва бошқаларга нисбатан вилоят прокуратураси томонидан жиноят ишлари қўзга-тилиб, суд томонидан тегишли ҳазога тор-тилган.

Қўрилган амалий чоралар натижасида чиқиндиларни ташиш билан боғлиқ шарт-номалар юзасидан 121,5 млн. сўм маблағ тушуми таъминланган, бир кунда 400 тон-нага яқин чиқинди шаҳардаги бошқа авто-корхоналарнинг техникаларини жалб қил-ган ҳолда шаҳар ҳудудидан олиб чиқилмоқ-да.

Самарқанд шаҳар прокуратурасининг амалий ёрдами билан шаҳар ободон-лаштириш департаменти санитар тоза-лик 1-сон бўлими 3 та «ISUZU» маркали

чиқиндиларни ташиш махсус автомаши-наси сотиб олди.

Бошлаган ишнинг охирига етказиш прокуратура органлари фаолиятида анъанага айланган. Яқинда ташкил этилган янги «Саммахсустрон» автосаройининг танта-нали очилиши бўлди.

— Ҳозирда Самарқанд автомобиль за-водида тайёрланган «ISUZU» маркали 16 та янги махсус автомашиналар билан ўз фаолиятини бошлаган автосаройга апрель ойининг охиригача яна 19 та шундай автомашина лизинг шартномаси асосида келтирилади, — деди очилиш маросимида Самарқанд шаҳар ҳўқими Сўҳроб Рафи-қов.

Маросимга йиғилган аҳоли вакиллари шаҳарнинг оғрикли муаммоси ҳал этилаёт-ганлигидан мамнун эканликларини билди-ришди.

Садриддин НАБИЕВ,
журналист
Муаллиф олган сурат

Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилган. Ишининг ўзини билган ишбилармон бу кимсониятлардан унумли фойдаланиб, ўз махсулотни чиқараяпти. Бошқа бир тадбир-корлар эса савдо-сотижда қонун доирасидан чиқмай ишлаб, ҳам исте-тезмолчилар талабини қондираяпти, ҳам ўзлари наф қўраяпти. Эъти-рофли томони улларнинг саъй-ҳарати билан бозорларимиз сифатли махсулотлар билан тўлиб бормоқ-

тезор маълумотларга асосан «Ши-рин» бозорида тадбир ўтказди. Тад-бирда фуқаро А.Калжонов қонунга хилоф равишда қўйбола «Тошкент» арогини сотаётганда ушланди. Унинг уйи кўздан кеңирилганда сотиш учун қўйбола усулда тайёрланган арок-лар, бўш ишчалар, арок қоңқоқла-ри топилди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Кейинги пайтларда бозорларга кириш жойларида, серкатдон кўча-

валютафурушлар аниқланди. Улар-дан 7000 АҚШ доллари ва 838 минг сўм олиб қўйилиб, ҳолатларнинг 4 таси бўйича жиноят, 4 таси бўйича маъмурий иш қўзғатилди. Ҳўқуқбу-зарлардан олиб қўйилган 1700 АҚШ доллари давлат фойдасига мусо-дара қилинди.

Амалга оширилган тадбирлар давомида қорхона ҳисоб рақамида-ги пулларни нақдлаштириш билан шуғулланувчи шахслар ҳам аниқ-

ҳисоб рақамидаги пулларни нақд-лаштириш билан шуғулланаётган-ликлари фож этилди. Бундай жино-ятга қўл урганлар энди қонун олдиди жавоб беришларига тўғри келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, туманимиз-нинг Э.Мараимов кўчасида тадбир ўтказилганда «ТААЕЛ Нурафшон» Ўзбекистон-Эрон-Хитой қўшма кор-

олдини олган яшидир. Шу мақсад-да бу йўналишдаги ҳўкумат қарор ва фармонларини кенг оммага ет-казиш ва тушунтириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Чу-нончи, туман ҳудудида жойлашган маҳалла, қорхона, ташкилотларда учрашувлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида 157 марта тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди.

Мақсадимиз — тадбиркорларга

Қонунни менсимаганлар

да. Бироқ фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг ҳаммасини ҳам тўғри ишлайти деёлмаймиш. Улар орасида солиқларни ўз вақтида тўламай, тадбиркорликнинг таққил-ланган усуллари билан шуғулланаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Энг ачинарлиси, улар эгалар соғли-қига зиён етказиш орқали бой-лик орттирмақчи бўлишди.

Бўлишимиз ходимлари олинган

ларда долларфурушуш билан шу-ғулланаётган кимсаларни тез-тез уч-ратадиган бўлди. Бундай кимсалар нафақат ўзларини, балки бошқалар-ни ҳам қонунбузишга ундамоқда.

Бўлим томонидан қонунга хилоф равишда валюта қимматликлари олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахсларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар ўтказилганда бу иш билан шуғулланаётган бир қанча

ланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан 51 та қорхона мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, «Универсал» банкнинг Тошкент шаҳар филиали Бектемир кичик банки ходимлари И.Абдуллаев ва Х.Юсуповлар «Rivoj ishonch fayz» МЧЖ, «Rivoj ziyu baraka» МЧЖ, «Alif lak baraka» ва «Лагуна Капитал Савдо» МЧЖ раҳбарлари билан жинойи тил бириктириб қорхона

хона раҳбари А.Шодиева хорижда ишлаб чиқарилган 5 дона «Апполо» ютукли уйин автоматларини жами 20 минг АҚШ долларига сотиб, НКМдан чек ёки унга тенглашти-рилган квитанция ёзиб бермаган-лиги аниқланди. А.Шодиеванинг яширин даромада қўчилиги ўзи учун қимматга тушди — унга нисбатан жиноят иши очилди.

Жиноятни аниқлашдан қўра унинг

нафақат ўз ҳақ-ҳўқуқларини тушун-тириш, балки зиммаларидаги бурч-ларини ҳам мунтазам эслайтиб тури-риши. Бурч ва масъулият унутил-маса, қонунбузарликлар бўлмасли-ги табиий.

Зиёдулла ИНАГАМОВ,
Бош прокуратура ҳўзуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Мирзо Улугбек туман бўлими бошлиғи

САҲИФРАМИЗДА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОҲУР ТУМАН ПРОКУРАТУРАСИ

Сўнги йилларда юртимизда эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриши, тўлиқ бозор иқтисодиётига ўтиш борасида салмоқли ишлар қилинганини эътироф этиш керак. Буни биргина қонунчилик ва ҳуқуқ соҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Давлат идораларининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг изчил тизими шаклланди.

«Адолат ва ҳақиқат гоёси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи зарур», деган эди юртбошимиз Ислон Каримов. Шу маънода Шайхонтоҳур туман прокуратураси ҳам асосий фаолиятиндан келиб чиқиб, ҳудудда қонунлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу боралдаги ишлар ҳудуддаги қонунчилик ва жино-



МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

ятчилик аҳволи таҳдидларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган иш режасига мувофиқ олиб боришмоқда.

Агар қилинган ишларимизни таҳлил қиладиган бўлсак, 2007 йилда туман ҳудудда умумий жиноятчилик олдинги йилга нисбатан 17,8 фоизга кўпайган бўлса, содир қилинган жиноятларни фош қилиш 3,3 фоизга ошди. Бундан ташқари, талончилик 18,7 фоизга, ўғирлик 20,5 фоизга, валюта маблағлари билан ноқонуний муомала қилиш 31,6 фоизга, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 40,9 фоизга камайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича 23 та текшириш

ўтказилиб, файриқонуний қарорларни бекор қилиш ҳақида 28 та протест, қонунбузилиши ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 39 та тақдимнома киритилди. Келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида 308 нафар шахс огоҳлантирилди. 61 нафар мансабдор шахс интизомий, 159 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Текширишлар самарадорлиги 2006 якунлари бўйича 34 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда текширишларга чуқур тайёргарлик кўрилганлиги ҳамда турли соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўтказилгани боис, бу кўрсаткич бирмунча яхшиланди.

Шунингдек, ўтказилган текширишлар асо-

сида 18 та жиноят иши кўзгатилиб, туман фуқаролик ишлари бўйича судига 128 млн. 900 миң сўмлик 219 та даъво аризаси киритилди.

«Жиноятни фош қилишдан кўра, унинг олдини олиш маълуқроқ», деган гап бор. Аммо жиноят содир бўлган бўлса-чи? Бир иккинчисини бошлаб келмаслигига ким қафолат беради? Айнан шу мақсадда туман прокуратураси терговчилари томонидан жиноят ишлари тергови якуни бўйича жиноятни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида тегишли идораларга 59 та тақдимнома киритилиб, 28 тасининг муҳомадасида ходимларимизнинг иштироки таъминланди. Бундан ташқари, ходимларимиз томонидан олиб борилган суриштирув ва тергов жараёнида давлат, жамо-

ат ташкилотлари ва фуқароларга етказилган 364 млн. 800 миң сўмлик зарарнинг 73,4 фоизи тергов жараёнида ундирилди.

Аксарият фуқароларимиз ҳали-ҳануз ўта соддаликлари, ишонувчанликлари билан ажралиб туришади. Бунга ўтган йилнинг октябрида жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судига кўрилган жиноят иши мисол бўлса керак. Муқаддам бир марта судланишга улгурган Э. Бадамшина исмли «кахрамон»имиз тилла тақинчоқ олди-соттиси билан шуғулланишса, мўмай фойда кўришни ваъда қилиб, 2003 йилнинг охирида бир танишидан 6 миң доллар қарз олади. Аммо на пулни ва на фойдани қайтариб бермайди. Орадан кўп ўтмай у шу йўл билан Половниковадан 4.910 долларлик, Алиевдан 8.200 долларлик, Носировадан эса 9.200 долларлик тилла буюмларни олиб, қайтаришни хаёлига ҳам келтирмайди. Бу ишга ходимларимиз аралашиб, шунча пулга чўв тушай деб турганларнинг жонларига аро киришди. Маблағлар эгаларига қайта-



Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда ишлар орасида олиб бориладиган ҳуқуқ-тарғибот ишларининг аҳамияти каттадир. Шайхонтоҳур туманида ҳам бу борада кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Суратда: туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д. Собирова тумандаги 169-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари даврасида.

Юртимизда меҳнати орқали ҳалол ризқ топиб, оила тебратаман дегувчиларга барча имконият етарли. Бунинг учун қонунда белгилаб қўйилган тартибда иш олиб борилса, кифоя. Қолаверса, давлатимиз томонидан бундайларнинг ҳақ-ҳуқуқлари доимо ҳимоя қилинади. Бироқ пул учун иймонидан воз кечадиган айрим кимсалар ҳам борки, улар бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмайдилар.

НАФС ГИРДОБИ

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан ўтган йили ўтказилган текширишларда 167 та қонунбузилиш ҳолатларининг аниқлангани ҳам фикримизнинг далилидир. Ушбу ҳолатлар юзасидан 107 та жиноят иши ҳамда 58 та маъмурий иш кўзгатилиб, 187 млн. 423 миң сўмлик товар-моддий бойликлари олиб қўйилган. Шундан суд қарорлари ва ҳукмларига асосан 143 млн. 542 миң сўмлик товар-моддий бойликлар давлат эгаллигига ўтказилган. Шунингдек, бўлим томонидан қўзғатилган жиноят ва маъмурий ишлар бўйича бюджетга 536 млн. 220 миң сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган, шундан 265 млн. 153 миң сўми ундирилган.

Валютага оид жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича эса 10 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Натижада 3 та жиноят иши ва 7 та маъмурий иш кўзгатилиб, ҳуқуқбузарлардан жами 17805 АҚШ доллари, 390 миң ўзбекистон сўми ва 1000 Россия рубли олиб қўйилди.

Биргина мисол. Июн ойининг ўрталарида бўлимимиз ходимлари Собир Раҳимов туманида жойлашган «Металл база» бозори олдида чет эл валютаси билан ноқонуний равишда олди-сотди билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаш мақсадида тадбир ўтказилди. Тадбир давомида П.Қодиров исмли шахс Н.Сайдалиевага 1700 АҚШ доллари 2 млн. 131 миң 800 сўмга сотаётганда ушланди. Холислар иштирокида П.Қодировга тегишли сумка текшириб кўрилганда унинг ичиде яна 3550 доллар ва 390 миң сўм пул борлиги маълум бўлди. Қонунбузар тегишли жазосини олди.

Бундан ташқари, банкдан ташқари ноқонуний нақд пул айланишининг олдини олишга доир текширишларда 14 та ҳолатда 5 млрд. 14 млн. 302 миң сўм ноқонуний нақд пул айланмаси амалга оширилгани маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзгатилиди.

Шунингдек, боқиманда қарздорликни қисқартириш ва ундириш борасида бўлим томонидан олиб борилган ишлар натижасида йил якуни бўйича қарзларнинг 488 млн. сўмга камайишига эришилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар бир фуқаро юқорида айтганимиздек, ҳалол меҳнати орқали оила тебратсин. Арзимаган фойда деб юзи шубҳасиз бўлмасин.

Алишер ТОЖИБЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Шайхонтоҳур туман бўлими бошлиғи

ЎЗИНГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Шахсий машинаси бўлишини ким ҳам хоҳламайди, дейсиз? Садриддин ҳам анчадан бери машина олишни оруз қиларди. «Оллоҳшифосини берса, табиб ўз оёғи билан келади» дейишади. Садриддин машина сотиб олиш орузида юрганида таниши Искандар уни йўқлаб келиб қолди. У ёқ-бу ёқдан сўхбатлашиб ўтиришди. Гап айланиб машинага тақалди.

— Ошна, шу кунларда «Ваз» автосалонидан бир нечта машина олиш ниятида юрибман. Гаплашиб қўйганман.

Искандарнинг оғзидан бу гапни эшитган Садриддин хурсанд бўлгандай яширмай, дарҳол гап қотди:

— Менга ҳам биттасини тўғрилаб бера оласизми?

— И-е, шунақами? Ўзи сиздан шу иш учун ороқ пул сўраб келган эдим. Сизга машина зарил экан, гап йўқ. Харажати кўтарсангиз бўлди.

— Машинага етадиган маблағим йўқ эди-ку.

— Шуям «проблемами»? Бирортасидан сўраб туринг. «Қарз узилар, хотин ёнга қолар», дейишади-ку!

Садриддин бу гапни эшитиб, бироз ўйланиб турди. Сўнгра «кетдик» дея йўл бошлади. Искандар унга эргашди.

— Бир танишим ороқ йиғиб қўйганим бор деган эди. Ҳозир ўша эсимга тушди. Сўраб қўрайлик-чи.

Улар шу кетишда тўғри Гилязитдиновнинг уйига кириб боришди. Садриддин унга бор гапни тушунтириб, Искандар ишончли бўлиши учун Бектемир туманидаги уйининг ҳужжатларини гаров сифатида бериши мумкинлигини айтди.



уйининг ҳужжатларига қўшиб, маълум муддатда пулни қайтариб бериши ҳақида тилхат ҳам ёзиб берди.

Шундай қилиб икки оғайни — бири яқинда машинанинг калитини олишини ўйлаб, иккинчиси эса бир зумда шунча долларлик бўлганидан мамнун ҳолда орта қайтишди.

Орадан ойлар ўтди. Янги машина дардидаги Садриддин кун санаб чарчади. Аммо на машинадан ва на Искандардан дарак бўлди. Кута-кута чарчаган Садриддин Искандарга уч-тўрт марта учрашди. Жавоб битта: пулни ишлабди қўйдим.

Ороқ муҳлат берсангиз тўғрилаб бераман.

Яна кутишга тўғри келди. Тоқати-тоқат бўлган Садриддин тегишли жойга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди...

Жорий йилнинг январь ойида жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судига ушбу иш кўриб чиқилди. Гарчи етказилган зарарнинг маълум қисми судланувчининг қариндошлари томонидан қопланиб, қолгани ҳақида даъвогар билан келишиб олинган бўлса-да, суд И.Тўйиёвнинг муқаддам судлангани, ҳозирда шартли жазо ўтаётганини ҳисобга олиб, тегишли жазо белгилади.

«Ўзинга эҳтиёт бўл, қўшинингни ўғри тутма», деб бежизга айтилмаган. Афсуски, ҳали-ҳануз айрим фуқароларимиз ана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўймоқдалар.

Саидқарим МУХТОРОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурорининг
ўринбосари

Аграр соҳа:



(Давоми. Бошланғичи 1-бетга).

— Мамлакатимиз бўйича тайёрланган яшил пахта ҳосилининг 99 фоизи, галланинг 82 фоизи фермер хўжалиқлари зиммасига тўғри келади. Уларнинг ҳақ-ҳужуқларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Прокуратура органлари томонидан сувдан фойдаланишда исрофгарчилик ва хўжасизлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилди. Жумладан, «Ховос-Зомин» ирригация тизимлари хавза бошқармасининг бўлим бошлиғи И.Козаев 62 млн. сўмлик техникаларни талон-торож қилганлиги

мошоқда йўқ, хирмонда ҳазир» деган нақл бор. Буни бежизга келтирмаймиз. Фермер йил бўйи далада тер тўкиб, галла ва пахта етиштиради-ю кўп ҳолларда ана шу ҳосил қабул қилувчи корхоналарда талон-торож қилинади.

— Тўғри таъкидладингиз. Таҳлиллар ҳақида тўхталадиган бўлсам,

дан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2008 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан олиб борилган назорат тадбирларида бир қатор қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, 2434 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Хусусан, Сардоба туманидаги «Узоқов» шохобчаси мудири Т.Бўрибоев 17 тонна уруғлик бугдойни ўзлаштириб юборган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлардан зарар тўлик ўндирилди.

Ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 228 та тақдимино киритилди, 3140 нафар шахс қонун-

тилмаганлиги оқибатида биргина ўтган йил ҳосилидан 24 минг 610 тоннага яқин пахта камомадаги йўл қўйилган. Жумладан, «Арноса» пахта тозалаш» АЖда 2106 тонна, «Далварзин пахта тозалаш» АЖда 1624 тонна, «Фаргона пахта тозалаш» АЖда 1083 тонна, «Андижон пахта тозалаш» АЖда 722 тонна, «Қосонсой пахта тозалаш» АЖда 832 тонна ва «Чуст пахта толаси» АЖда 643 тонна пахта хом ашёси камомада аниқланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан АЖ мутасаддилари устидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда айбдор шахслар суд олдида жавоб бермоқда.

Айрим пилла қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида товармоддий бойликларнинг сақланиши таъминлашга бепарволик ва хўжасизларча муносабатда бўлин-

Қишлоқ хўжалиғи ислохотлар йўлида

— Фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш прокурорларнинг доимий эътиборида бўлди. Прокуратура органлари томонидан 737 та фермер хўжалиғига рўйхатдан яшил ва банда ҳисоб рақами очилганда 2 млрд. сўм дебитор ва 753 млн. сўм кредитор қарзларни ўндиришда амалий ёрдам кўрсатилди. Уларга 3121 гектар ер, 1923 тонна минерал ўғит, 761 тонна нефть, 506 дон қишлоқ хўжалиғи техникалари, 4861 тонна чигит ва уруғлик бугдой, 917 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонуний асосда ажратиби берилиши таъминланди.

учун жавобгарликка тортилган. Минерал ўғитлар билан таъминлаш, сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказилган мониторингга эса 7311 тонна ўғит талон-торож қилинганлиги аниқланган. Хусусан, «Қишлоқхўжалиқимё» акциядорлик жамиятининг Қумқўрғон филиали омбор мудири Э.Чориев 85 тонна, Амударё филиали омбор мудири Т.Айтиенов 55 тонна ва Қўрғонтепа филиали омбор мудири И.Ҳакимов 32 тонна минерал ўғитларни ўзлаштиришган. Мазкур ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари,

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги айрим корхоналарда идоравий назорат ва интизом бўлаштириб юборилганлиги оқибатида 2007 йил бугдой ҳосилидан 1303 тонна бошоқли дон маҳсулотлари талон-торож қилинган. Жумладан, «Қўқондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти сифат сертификати бўлган 238 млн. сўмлик товар-моддий қимматликларни «КамАЗ Авто Марказ» масъулияти чекланган жамиятига арзон нархда сотганлиги оқибатида жамият манфаатларига 37 млн. сўмлик зарар етказилган.

Прокуратура органлари томони-

бузилишига йўл қўймади хусусида огоҳлантирилди, жиддий қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 21 та жиноят иши қўзғатилди. 763 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Шу жумладан, 20 нафар туман ҳокими, 51 нафар қишлоқ ва сув хўжалиғи бўлимлари, «Қишлоқхўжалиқимё» худудий акциядорлик жамиятлари, вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш, стандартлаштириш ва метрология, «Сифат» худудий марказлари ва қуйи тизим раҳбар ходимлари интизомий жавобгарликка тортилдилар.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимида ҳам қатъий тартиб ўрна-

ганлиги оқибатида пиллани ўзлаштириш ва талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйиб келинган. Хусусан, Булоқбосан, Избоскан, Пахтаобод, Шахрихон, Марҳамат ва Қўрғонтепа туман «Пилла» корхоналари мансабдор шахслари омборга кириш қилинганда 208 тонна пилла хом ашёсини топширилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тузиб, талон-торож қилинган. Прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалиғи соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Сўзбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Huquq» мухбири

ИМКОНИЯТНИ СУНИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАНГ

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиғида етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисми фермер хўжалиқлари ҳиссасига тўғри келаётгани фермерларимизда манфаатдорлик ва масъулият ҳисси ортиб бораётганини кўрсатади. Аммо фермерлар орасида масъулиятни ҳис қилмай, яратиб берилган имкониятларни сунистеъмол қилаётганлар ҳам оз бўлсада учраб турибди.

Тошкент вилояти прокуратураси органлари томонидан Президентимизнинг «2008 йилда пахта етиштиришнинг прогност ҳажмлари ва ўзгани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси ўрганилди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармасининг маълумотига кўра, жорий йилнинг 31 март ҳолатига 49 минг 257 гектар ёки 45,6 фоиз ерга чигит экиш ишлари самарали аяқланган. Шунга қарамай, айрим пахта етиштирувчи хўжалиқлар томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Хусусан, айрим фермер хўжалиқлари томонидан чигит экилиши режалаштирилган 44,5 гектар ер майдонига қонуний равишда бошқа экинлар екилганлиги, 46,9 гектар сифатсиз тайёрланган ерга чигит екилганлиги, 52 гектар дала четлари ва симёғоч тағлари екилмасдан қолдирилганлиги аниқланган.

Масалан, Юқоричирчиқ туманидаги «Оқ-қуш» фермер хўжалиғида чигит экилиши режалаштирилган 2 гектарга пиёз екилганлиги оқибатида давлат манфаатларига 2,1 млн. сўм миқдорига зиён етказилганлиги учун туман прокуратураси томонидан хўжалиқ раҳбари С.Арзуманянга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Тегишли ишларда айрим фермер хўжалиғи раҳбарлари томонидан сифатсиз

тайёрланган майдонларга чигит экилишига йўл қўйилган ҳолатлар ҳам аниқланган.

Хусусан, Ўртачирчиқ туманидаги «Қодир Абдужалилов», «Ан Николай», «Собитхон», «Парпиев Дониёр», Янгийўл туманидаги «Бахтиёр Муруввати», Оққўрғон туманидаги «Аҳмадхўжа», Бўка туманидаги «Иброҳим ўғли Зокир» ва яна бир неча фермер хўжалиқларида жами 46,9 гектар ерга чигит сифатсиз екилганлиги аниқланиб, туман прокуратураларининг аралашуви билан ушбу майдонларда чигитнинг қайтадан сифатли экилиши таъминланган.

Бундан ташқари, вилоятнинг бир қатор фермер хўжалиқларида ерни чигит экиш учун тайёрлаш ишларини олиб боришда сустхалиқларга йўл қўйилган.

Масалан, Оққўрғон туманидаги «Нурли» фермер хўжалиғида 86,8 гектар, «Берлиёр Ерқинжон» фермер хўжалиғида 16,2 гектар, «Уста Пахтақор Абдували» фермер хўжалиғида 5 гектар ва Янгийўл туманидаги «Бахтиёр муруввати» фермер хўжалиғида 14 гектар, жами 122 гектар ер майдонига чигит экишга тайёрланган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман прокуратуралари томонидан туман ҳокимлари номига тақдиминомалар киритилиб, айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Келгусида бундай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймади хусусида Пискент, Бекобод, Чиноз, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон, Бўка туманлари ҳокимлари ҳамда Ер ресурслари хизмати бўлимлари бошлиқлари туман прокурорлари томонидан расман огоҳлантирилди.

Бахтиёр ХОДЖАЕВ,
Тошкент вилоят
прокурорининг биринчи ўринбосари

Шу кунларда дехқонларимиз қизгин ишга киришган. Утган йилги туманимиздаги 1141 та фермер хўжалиғи давлат эътиёжси учун бошоқли дон харид қилиш бўйича контрактация шартномалари тузишган. 32 минг тоннадан ортиқ галла топшириб, шартнома топшириқларини ортиги билан бажаришган эди. Насиб қилса, бу йил ҳам ҳосил чўғи баланд бўлади. Чигит экиш ҳам ниҳоятча етди.



Баҳорнинг ҳар кунни ганимат

Бирок дехқон қанчалик тажрибали бўлмасин, техникаси ўзай бўлмасин, минерал ўғитлар ўз вақтида берилиб, суғориш ишлари меъёрида ташкил қилинмаса, кўнгилдагидек ҳосил олиш қийин. Шунинг учун Бўка туман ҳокимлиги ва тегишли идоралар дехқонларимизга камарбаста бўлмоқда.

Туманимизда қишлоқ хўжалиғида қонунийликни таъминлаш ва хўжалиқ юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган назорат ижроси устидан назорат йўналишида 27 та текшириш ўтказилди, мутасадди ташкилотларнинг қўнунга зид равишда қабул қилган 26 та қарор ва буйруқларига протестлар киритилди. Қонуннинг бузилишига йўл қўймади хўжалиқда 561 нафар шахс расман огоҳлантирилиб, 60 нафар шахс интизомий, 132 нафари маъмурий ва 30 нафари моддий жавобгарликка тортилди.

Утган йил йўл қўйилган камчиликлар шартнома шартини бажармаган фермерларимиз учун сабоқ бўлиши керак. Бирок

ҳамма фермер ҳам бунга амал қилавермас экан. Тумандаги «Бахринисо-Шарофат» фермер хўжалиғи «Тошкентдонмаҳсулот» ОАЖ билан давлат эътиёжси учун 54,4 тонна галла етиштиришга бериш бўйича контрактация шартномасини тузган эди. Аммо фермер хўжалиғи 36,6 тонна галла етказиб бериб, мажбуриятини тўла бажармади.

Пахтачиликда эришилаётган натижалар ҳам қачки эмас. Утган йили туманда пахта ҳосили учун 1149 та фермер хўжалиқлари билан давлатга 39 минг 980 тонна пахта хом ашёси етказиб бериш бўйича контрактация шартномалари тузилганди. Фермер хўжалиқларининг машаққатли меҳнати ва туман қишлоқ хўжалиғи корхоналарининг хизмати ҳамда туман прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалиғи соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати кучайтирилганлиги натижасида давлатга 40 тонна пахта хом ашёси етказиб берилиб, белгиланган режа тўлиқ бажарилибди.

Бирок фермерликни эғлай

олмаган дехқонларнинг юзи шувут бўлди. Жумладан, тумандаги «Зафар» фермер хўжалиғи раҳбари М.Назиров «Бўка туман пахта тозалаш заводи» ОАЖ билан 23,2 гектарга пахта экиш ва 48,7 тонна пахта хом ашёси топшириш ҳақида шартнома тузганди. Лекин у шартномада кўрсатилган ернинг 7,7 гектарига чигит ўрнига макка-жўхори ва шולי экиб юбориб, 16,1 тонна пахта хом ашёсини етиштириш имкониятини йўққа чиқарди. Натижада давлатга 4 млн. 926,6 минг сўмлик зарар етказди.

Мазкур ҳолат юзасидан М.Назировга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, олиб борилган тергов натижаларига кўра жиноят иши судга юборилди.

Ерга бундан эрта уруғ қалдас, кузда ўн кун эрта хирмон кўтариш мумкин. Буни дехқонларимиз яқин билишади. Шунинг учун баҳорнинг ҳар соати ганимат билиб, ниҳоллар парваришига катта эътибор қаратмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Бўка туман прокурори

Ютуқ ва муаммолар

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ютуқларни мустаҳкамлашда деҳқон ва фермерларнинг ҳўқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Назорат ҳўжатларини қўллаш давомида шу йилнинг ўзидек, ўнлаб фермерлар манфаати ҳимоя қилинди, давлат манфаатларига етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг олди олинди. Бир сўз билан айтганда, қонунчиликни мустаҳкамлаш орқали фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялашга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилди. Бунда асосий эътибор ижро интизомини мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Арнасой туман ҳудудида 28 минг 762,4 гектар экин майдони бўлиб, шундан 13 минг 908,9 гектарига галла ва 11 минг 250 гектарига пахта экилган. Ушбу майдонларга ирригация-мелиорация хизмат кўрсатиш учун туман ҳудудида жами 632,6 км. суғориш тармоқлари ҳамда 226 та диокерлар мавжуд. Суви қабул қилиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида ҳўжаликларда сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилган. Уларга «Уч том» ирригация тизимидан суви қабул қилиб олиб, фермер ҳўжаликларига етказиб бериш ва ирригация-мелиорация тармоқларини таъмирлаш, тозалаш ишларини ташкиллаштириш каби вазифалар юклатилган. Ана шу вазифаларнинг бажарилиши юзасидан март ойида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги

«Шартнома интизоми тўғрисида»ги қонунлар ижроси юзасидан мониторинг ўтказилганда бу соҳада камчиликлар борлиги аниқланди. «Олтин водий» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги «Мамаражаб ака Бўтаев» фермер ҳўжалиги раиси Ж.Йўлдошев 31 гектар галла майдонини суғоришда ўзбошимчилик билан иш тутган. Аниқроқ қилиб айтганда, сув латокнинг шикаст етган қисмидан янги очилган зовурга оқизиб юборилиб, катта исрофгарчиликка йўл

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ижроси ҳам алоҳида ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, бир қанча фермер ҳўжаликлариди ижро интизоми талаб даражасида эмас.

Аниқланишича, 2008 йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, 28 та фермер ҳўжалигида ишловчи 160 нафар ишчи-хизматчининг атиги 107 нафари билан меҳнат шартнома-



ИЖРО ИНТИЗОМИ ЭЪТИБОРДА

қўйилган.

Бази сувдан фойдаланувчилар уюшмаларида «Шартнома интизоми тўғрисида»ги қонун ижроси талаблари ҳам қўпол равишда бузилган. Масалан, «Қозғистон» СФУдаги «Мовий осмон сари», «Дилмурод — Шакароев», «Азат», «Даурен», «Тўйчи-Шодмонов», «Фирдавс» фермер ҳўжаликлари раислари томонидан 2008 йил неветгация даври учун иккамлаш сувдан фойдаланувчилар ўртасида ҳеч қандай шартномалар тузилмаган.

си тузилган. Уларнинг 98 нафарига эса меҳнат дафтарчалари юритилмаган. Хусусан, Б.Файзиев номи сувдан фойдаланувчилар уюшмасида фаолият кўрсатаётган «Дилшод-И» фермер ҳўжалигида 12 киши доимий, 5 нафар киши эса мавсумий ишлайди. Шундай бўлса-да, уларнинг 7 нафаригагина меҳнат дафтарчалари юритилган, қолди.

Мониторинг давомида бундай қонунбузилиш ҳолатлари «Нуронота», «Оби ҳаёт», «Фаргона», «Са-

фар бобо», «Ихтиёр» каби фермер ҳўжаликлари фаолиятида ҳам кузатилди. Аслида мамлакатимиз қонунчилиги кўра, иш бевуви ҳар бир ходимга меҳнат дафтарчаси тутиши шартлиги белгиланган. Шунингдек, меҳнат дафтарчаси мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклидан қатъи назар қорхона, муассаса ва ташкилотларда беш кундан ортиқ ишлаган, шу жумладан, муайян муддатга ёлланганларга, шунингдек, давлат ижтимоий суғурта қилиниши кўзда тутилган тақдирда, штат-

лар ҳадвалидан ташқари ходимларга ҳам юритилади.

Мониторинг давомида Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси» талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Оқибатда 5 нафар фермер ҳўжалиги раислари қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 28 нафар фермер ҳўжалиги раисларига нисбатан маммурий жавобгарликка доир иш кўзгатилди.

Умуман олганда, туманда деҳқон ва фермерларнинг, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, адолат таъминлирининг устунигини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилиши таъминланмоқда.

Дилшод БОЙНАЗАРОВ,
Арнасой туман прокурори

Республикамизда бўлгани каби Ҳазорасп туманида ҳам ўз ишининг устаси бўлган юзлаб фермерлар фаолият олиб боришмоқда. Улар контрактация шартномаларини уддалаб, қўшимча даромад манбаи бўлган ишлаб чиқариш тармоқларини ҳам йўлга қўйишмоқда. Савдо ва маъшиий хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этишмоқда. Бир сўз билан айтганда, фермер қишлоқ мулкдори сифатида эл ободлиги йўлида масъулиятда шахсга айланган.

ФЕРМЕР

МАСЪУЛИЯТИ

Туман прокуратураси томонидан соҳага оид қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Утган йили қишлоқ мулкдорларнинг фидокорона меҳнатлари ҳамда қонунчиликни таъминлаш борасида олиб борилган фаолиятнинг самараси сифатида туман бўйича пилла, дон ва пахта маҳсулотлари етиштириш борасида тузилган контрактация шартномаларининг бажарилиши таъминланди. Таъминот, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш қорхоналарининг қонун талабларини доирасида фаолият юритиши соҳа ривожига муҳим ҳисобланади. Афсуски, ўтказилган текширишларда мазкур қорхоналарда қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани ҳам аниқланди.

Техника — деҳқоннинг қаноти. Мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланиш, умларни сақлашда сунистеъмолчиликларга йўл қўймаслик ҳосил тақдирини ҳал қилувчи омиллардандир. Қишлоқ ҳўжалик техникаларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи қонунлар ижросини таъминлаш бўйича «Питнак Охунбобоев» ММТПда ўтказилган мониторингда маъсул мансабдор шахслар томонидан 2 млн. 185 минг 536 сўмлик техникалар растрата қилиш йўли билан талон-торож этилгани маълум бўлди. «Дўстлик-Пичоқчи» ММТП мансабдорлари эса 1 млн. 300 минг сўмлик қишлоқ ҳўжалик техникаларини ўзлаштириб юборишган. Ҳар икки ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатилиб, жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

«Питнак пахта тозалаш» шўъба қорхонасида уруғлик ва техник чигитлар сақланиши ўрганилганда эса, омор мудири У.Ражабов томонидан жавобгарлигидаги 503,4 тонна 12 минг 391 минг сўмлик чигит талон-торож этилгани аниқланди.

Айрим фермер ҳўжалиги раҳбарлари чигит экилиши лозим бўлган ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга уринишмоқда. «Жаҳонгир ота Азимбой» фермер ҳўжалиги раҳбари Қ.Маширипов тайёрлов қорхонаси билан контрактация шартномаси бўлишига қарамай, чигит экилган 6,5 гектар майдонни 13 нафар фуқарога шולי экиш учун ажратиб беради.

«Гофир Чулуу» фермер ҳўжалиги раҳбари Б.Матрасулов фуқаролар А.Ибрагимов, Х.Салиев, Қ.Сапаев, А.Рўзибоева ва А.Юсуповларга ўзи раҳбарлик қилаётган ҳўжалик ҳудудидан яқка тартибда гузар-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб беришини билдириб, уларни алдаб, ишончини сунистеъмол қилиб, 5 млн. 600 минг сўм ва 500 АҚШ долларини қўлга киритади.

Мансаб ваколатини сунистеъмол қилиб, фирибгарлик билан шуғулланиб келган фермерлар суд ҳўқими билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Утган йили бу йўналишда 21 та текшириш ўтказилди. Натижалари бўйича қонунбузилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш борасида 39 та тақдирнома киритилди. Қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳусусида 518 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилиб, прокурор қарори ва тақдирномаларига асосан 52 нафар мансабдор шахс интизомий, 217 нафари маъмурий, 2 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузарликлар юзасидан 8 та жиноят иши кўзгатилди.

Қишлоқ ҳўжалиги республика иқтисодиётининг асосий тармоқларидан ҳисобланади. Соҳада амалга оширилаётган кенг қўлмали иқтисодий ислохотларнинг қўлланган натижаларини бериши қўп жиҳатдан қонунлар ижросини аниқ ва бир хилда таъминлинишига боғлиқ. Шундай экан, қишлоқ ҳўжалигига оид қонунлар ижроси доимий назоратда бўлади.

Полноназир МАДАМИНОВ,
Ҳазорасп туман прокурорининг ўринбосари

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтириб боришни кўзлайди. Ушбу мақсадга эришиш қонун ва қонуности ҳўжатларига қонуний риоя қилиб иш юритишни тақозо этади. Ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил этиш жараёнида ижтимоий адолат ва қонунларга риоя қилиниши диққат марказимизда бўлди. Хусусан, «Бўстон» ширкат ҳўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси аъзолари ваколатларини сунистеъмол қилишиб, ҳўжаликнинг 53-ер қонунридаги 3,3 гектар экин майдонидида гўё хурмо меваси етиштирилши тўғрисида сохта ҳўжатлар тузишган. Ушбу ерни тендер танловида киритишмай фуқаро И.Аҳмаджоновага 4,6 млн. сўмга сотиб юборишган. Нафсининг ноғорасига ўйнаганлар жиноий жавобгарликка тортилди.

Фуқаро Э.Сайфуддиновнинг мурожаати

Ширкат ҳўжаликларини тугатиш, фермер ҳўжаликлари ташкил этиш жараёнидаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Янги ташкил топган фермер ҳўжаликлари иш юритишда ҳўқуқий ёрдам бериб борилапти. Минерал ўғит, уруғлик, ёнлиги таъминотидаги узилтилар бартараф этиляпти. Қонуний, ҳалол иш юритаётган фермерларнинг манфаатлари ҳимоя қилинапти. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича судларга 224,8 млн. сўмни, Андижон вилоят прокуратураси орқали ҳўжалик судига 62,9 млн. сўмни ундириш юзасидан 57 та давро аризалари киритилди.

Ер, сув ва гидротехника иншоотлари, техника воситалари, ёнлиги-мойлаш материалларидан фойдаланиш, минерал ўғитларни, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш, қорвақилни ривожлантириш, шартнома ва тўлов интизомига риоя қилишга оид қонун

ҚОНУНБУЗИЛИШИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

ўрганилганда эса бошқа бир қонунбузилиш ҳолати юзага чиқди. Туман ҳўқимининг қарорига кўра «Қутбиддин оқсоқол» фермер ҳўжалиги ихтиёридаги 33,6 гектар ер қайтариб олинган. Ушбу ер танлов ўтказилмасдан, қонунга хилоф равишда «Алижон бува» фермер ҳўжалигига топширилган. Ушбу ҳолат бўйича протест киритилиб, 33,6 гектар ер майдони қайта танлов ўтказиш учун «Ҳақиқат» ширкат ҳўжалигини тугатиш комиссияси ихтиёрига топширилди.

Айрим фермерликка даъвогарлар тап тормасдан ўз имкониятлари ҳақида сохта маълумотларни комиссияга тақдим этишган. Фуқаро А.Аҳмедов «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини котиби М.Тошбоев билан тил бириктириб, ҳондонидидаги 12 бош чорва молларини 27 бошга «етказдириб» қалбаки маълумотнома тайёрлаган. Раис ўрнига ўзи сохта имзо чекиб, танлов комиссиясига элтиб берган. Фуқаро М.Музропов эса «Аб-дубий» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳисоб бўлими бошлиғи Д.Шамшиев билан «келишиб», гўё 18 бош қорамоли борлиги ҳақида сохта маълумотномани тугатиш комиссиясига тақдим этган.

ва қонуности ҳўжатларининг ижроси мунтазам равишда ўрганилмоқда. Қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилмоқда. Ушбу жараёнда собиқ А.Саримсоқов номидаги ширкат ҳўжалигида оғирчи ва энзимолог-ҳосилот лавозимда ишлаган А.Қурбонов билан Г.Абдуллаев ҳўжатларини сохталаштириб, 8300 килограмм олтингургуртин талон-торож қилишгани аниқланди.

Туманмиздаги «Пилла» қорхонасида тўлов интизомига риоя қилиниши ўрганилганда ҳўжатларни қалбақлаштириш орқали аслида етиштирилмаган, топширилмаган 116 минг килограмм шўлла «қирмон»га қўшиб ёзилгани юзага чиқди. 139 млн. сўмдан зиёд маблағни ўзлаштиришга бел боғлаган «азаматлар»га нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Шаҳрихон туман прокуратураси қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдин олиш орқали 2008 йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш режалари тўқмас адо этилиши учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

Муҳиддин ИМИНОВ,
Шаҳрихон туман прокурори

— Бу Акром деганларнинг жуذا зикна одамда. Биров бирор нарса-сини ўйирлаб кетадигандай ҳамма ёнини кулфлаб юради.
— Тўғри, бир-биримизга ишон-масак, савдомиздан барака қочали-кур...

Қатор терилган контейнерлардан бирида чой ичиб ўтирган ўрта ёшлардаги икки эркак кўшнилари — Акромнинг пухталиги ҳақида сўзлашарди. Акром эса бу пайтда ўз контейнери ичида бутунги сав-додан тушган фойдани ҳисоб-ки-тоб қилиш билан банд эди. У тах-лам-тахлам пулларни қўлидаги ихчам сумкасига жойлаб, катта хал-тага солдида, өззини маҳкамлади. Товланиб турган той-той матолар-ни бирма-бир санаб, қўлидаги ён дафтарига қандайдир белгилар қўйди. Уларни ҳам гоҳ кўшиб, гоҳ айириб, ҳисоб-китобни тутатганда қош қорайиб атрофда ҳеч ким қол-маган, чамаси, қўшни савдогарлар ҳар доимгидек ошхўрликка кетиш-ганди.

«Пул топиб — ақл топмаган-лар, — ўзича гўдранди Акром. — Кунда ошхўрлик қилверсанг, сав-додан фойда кўрсанми? Ундан кўра автобусга ўтириб, шаҳар че-тидаги ошхонага бор. Бориш-ке-лишга озгина сарфлайсан. Тун-кун ишлайдиган ошхонадан бир коса ош, битта нон олиб ейсан, вассалом».

— Ўғлим, мана нон, — Акром бир четда бождан бери отасининг хатти-ҳаракатларини жимгина ку-затиб юзланган саккиз ёшли йўлчи-сига ўтирди. — Сен нонни еб манави чойдан ичгин-да, ётиб ук-лайвер. Мен тез келаман.

— Уйга кетмаймизи? — бўлар-бўлмаста калтак еявершидан за-да бўлган бола кўрқа-писа сўради. — Қоронги бўлиб кетди-ку!

— Йўқ, кетмаймиз, — ўғлини жеркиб берди Акром. У бир четда

тахланиб турган қоғоз қутилардан бирини олиб, устига шам ёқди. Кейин ўғлига ўтирилди.

— Сен овқатланиб бўлиб ётавер. Мен тезда қайтиб келаман.
Бола катта-катта кўзларини шам-га қадаганча, хўрсиниб қўйди. Ота-си тор ойначадаги панжаранинг мустаҳкамлигини текшириб, сил-китиб қўйди. Кейин ташқарига

Иккови ҳам жон-жаҳди билан контейнерлар томон югуришди. Улар савдо қиладиган жойига етиб келганларида йиғилган одамлар жон-жаҳди билан Акромнинг аланга ичида қолган контейнери-ни ўчиришга уриниб, қаердандир пайдар-пай олиб келинаётган сув-ни сепишарди. Улкан чўгга ай-ланган контейнернинг кичкина-

кейин ойнадан чиқаётган аланга-нинг «тили» ўрнида тутун кўрина-бошлади.
— Болам!!! Ўғлим!!! — тун қаъ-ри-ни ёриб янграган фарёддан нафа-қат йиғилганларнинг қалби, ҳатто теварак-атроф ҳам қалқиб тушган-дай бўлди. Ҳамма ўзлари томон қоқила-суқила югуриб келаётган одамга ўғирилди.

маган, чангакка айланган бармоқ-лари дув тўкилди...
...Акромнинг ўғли — Сарвар тутундан нафаси бўлиб, йўтал-ганича уйғониб кетди.
У нима бўлаётганини англай олмай «дада, дадажон» дея йиғлай бошлади. Чор-атрофга тахлаб қўйилган синтетик матоларнинг ловуллаб ёниб, бир зумда эриб,

ЎҒЛИНИ ЁНДИРГАН



чиқиб, темир эшикни сир-тидан кулфлади. Унинг қадам товушлари узок-лашунча қулоқ солган бо-лакай истар-истамас кути устидаги суви қочган нонга қўл узатди. Чойнакдаги совуқ чойни чети учган пилёга қуйиб, нон бо-тирди. Шамга тикилгани-ча хаёл суриб, нонни еди. Кейин қутилардан бирига аста бош қўйди...

Тун алламаҳал бўлган. Бозор ҳудудида жимлик. Бир маҳал бо-ягина Акромни гийбат қилган икки оғайни ҳайратдан баб-баравар тўхташди.

— Кўряпанми? — ваҳима бил-лан сўради Алишер Комилдан.
— Ёнгини!?

гина ойнасидан чиқаётган аланга ўчай демас, контейнер ҳам ўзига сепилаётган сувни писанд қил-масди.

Кўп ўтмай чинқирганича ўт ўчириш машиналари етиб келди. Узун шланглардан отилиб чиққан фавворалардан оловнинг шашти пасайди. Бир неча дақиқалардан

— Ўғлим омонми? Сарвар ти-риклими?

Контейнернинг икки қаватли темир эшиги очилди. Анча сий-раклашган тутун орасидан темир остонани чангаллаганича ерда мук тушиб ётган гўда кўринди. Уни аста кўтарганларида қуйиб, қўмйрга айланса ҳам остонани қўйиб юбо-

қора сақичга айланишидан даҳ-шатта тушди. «Далам мени ўлди-ради. Нима учун молларни ёни-шига қараб турдинг, нега ўчирма-динг, деб ўлдиради!»

Сарвар қўлига илинган сочиқ билан оловни ўчиришга интил-ди. Лекин ҳамма томонни берк темир қутида алангаланиб бора-ётган оловдан кўра бир-бирига илашиб биқсиётган, темир қути-ни ачиқ тутунга тўлдирётган матолар кўп эди. Бола йўтала-йўтала пайпаслаб, темир эшикни топти. Уни жон-жаҳди билан мушглаб, «дада»лаб йиғлай бош-лади. Шифт тагидаги туйнукка — панжарали ойнага интилди, ле-кин бўйи етмади.

Сарвар эшикни уриб: «Дада-жон, ойижон, очинглар эшикни» деб йиғлар, саккиз ёшли болачи-нинг борган сари заифлашиб бо-раётган овозини ҳеч ким эшит-масди. Даҳшатли аланга кичкина вужудни ўз домга тортиб бора-рди. Беадал нисққа бардош бера олмаган бола охириги марта «да-да-жон» деб чинқирди-ю, хушидан кетди...

Мухтор МУХИДДИНОВ, журналист

Гулноранинг назарида Жаҳонгир Шаҳриёрдан кўра Фаҳриёрга кўпроқ меҳр қўйгандай эди. «Дарди ичида, ўша алвастиниям, боласини-ям ҳали-хануз яхши кўради. Мени оёғининг учида кўради». Эрини ажрашиб кетган хотинидан ҳам рашк қилиб ҳоли-жонига қўймайди. Меҳмон бўлиб келган ўртоғига насиҳат қилаётиб айтиб юборган, беҳос қулоғига чалинган гапи юрагини тирнаб оғрилади. «Мурса қил, биринчисига ўхшамасакан барибир!» Жаҳонгир дакки берса, «ха, биринчисига ўхшамаяманми» дея жанжални бошлайди. Кўпинча қайнота — Қаҳрамон ака ўртага тушиб, оловга сув сепеди.

— Билиб айтишганикан, аввало йигит кишининг уйи тинч бўлсин деб, — ота афсус-надомат чекади. — Жаҳонгир қобил-иятли, ташкилотчи эди. Еш йигитни бир пасда мактаб директори муовини этиб тайинлашармиди, бўлмаса? Бир кам дўб, уйи тинчинг иши нотинч, иши тинчинг йи... Илгариями ихкаласи жанжаллашарди. Тагин уришаётганида ажратдим. Тинчишди деб ўйлабман. Бунақа бўлишини билганимда...

Энди йигирма етти ёшга кирган педагог Жаҳонгир Саматовнинг маҳаллада, 11-ўрта мактабда ҳурмат-этибори баланд эди. Одоб-ли, маданияти, ўқимишли йигитнинг бир-дананига қора курсига ўтказилиши таниган билган барчани ҳайратга солди. «Хотинини уриб ўлдирибди!» Афтидан, чумолига ҳам озор етказма олмайдиганга ўхшарди. Тўғри, гоҳи-гоҳи уйда жанжал бўларди. Лекин беғалва уй борми? Эр-хотин бугун гап талашса, эртага яна апоқ-чапоқ. Бироқ баъзан бу жанжалларнинг захри тўпланиб-тўп-ланиб, бир кунни ногаҳон, қутилмаган жойдан тешиб чиқиши мумкин. Агар икки томон-нинг хоҳиш-истаги бир бўлса, кечириб кўнгул яраси газаклашнинг олдини оли-шади. Аммо, аксар ҳолда кечириб — ожиз-лик аломатидая туюлади. Жаҳонгирнинг хаёлида ҳам паст келса, Гулнора назар-писанд қилмай қўядигандай, елкасига ми-ниб олиб, ҳукмини ўтказадигандай эди.

Алабини бериб қўйса, бошқа гап қайтар-майди!
Ёзининг охириги ойи. Мактабда иш бош-ланишига 23 кун қолган, эрталаб Жаҳонгир уйда иш қилаётган эди.
— Шаҳриёр қани? — сўради хонага кир-ган Гулнора.
— Билмадим. Неча марта айтдим, кўз-қулоқ бўл деб. Бир, топиб кел!

Гулнора кўчага велосипед миниб чиқди. Етти ашар ўғлини нариги кўчадан топди. Велосипедга мингаштириб уйига олиб кел-

норанинг жағи тинмади. Жаҳонгирни қў-билан битта қилиб ташлади. У уйга кириб Гулнорани тагин урди. Дод-вой солаётган хотини миқ этмай қолгач, қўрқиб кетди. Поладан кўтариб олиб сўрига ётқизди. Аяси ва акасининг хотинини чақирди.
— Дўхтирга кўрсатмасангиз бўлмайди, — деди келинбойси ҳар жойини чимчилага-нида қийир этмаган овсинига қараб.

Жаҳонгир шифокорларсиз хушига кел-тиришар, деб умид қилган эди. Врач келса, кўхарган-қонаган жойларини кўриб, орган-

инкор эттишди.
Жаҳонгир Саматов тўқиган бахтсиз ҳолиса тўғрисидаги важ-қарсонларни бошқа гувоҳ-ларнинг кўрсатмалари ҳам пучга чиқарди.
— Чеварникига бораётганим, — деди Нилуфар Азимова. — Гулнора опаларнинг дарвозаси катта очик экан. Ичқарида унга кўзим тушиб сўрашай десам, кимдандир қаражлари тарафга қочди. Уни ортидан эри Жаҳонгир ака бақириб-сўқиниб келди. Қўлларидан тортиб юзига муштлади. Мен кўрқиб тез-тез юриб чеварникига кирдим.

ҚАҲРНИНГ ЗАҲРИ

ди.
— Қаерда юрибсан? Нимага индамай чиқиб кетдинг? — Жаҳонгир хотинининг кўчада велосипед миниб юрганига аччиқ қилиб, Шаҳриёрнинг юзига шапалоқ тор-тиб юборди. У «ая-ялаб» Гулноранинг эта-гини кучди.
— Нимага урасиз, урадиган иш қипти-ми? — жириллади Гулнора худди ўзи шапа-лоқ егандай. — Фаҳриёрни чертиб ҳам қўйма-гансиз! Яхши кўриб эркалайсиз. Шаҳриёрга захрингизни сочасиз, холос!

— Ўчир овозингни! — Жаҳонгир эски ярани тирнаган Гулноранинг юзига беҳос мушт солди. Гулнора энди аламини Шаҳ-риёрдан олди.
— Сен ярамасни деб калтак едим, — дея боласига қўл кўтарди. Шаҳриёр юлқиниб қочганида ҳовлида ортидан қувлади.

— Тегма болага! — Жаҳонгир унга етиб олди.
— Нима қилсам, ўзимнинг болам! Ўша бузук хотининг бировлардан орттирвоган итвачча эмас!

Буниси энди ҳаммасидан ошиб тушди. Жаҳонгир ўзини тута олмачи. Уриб йиқит-ди. Гаражга қувиб кириб дуд келган жойига тепди. Шовқин-сурон устига Қаҳрамон ака кириб келди.

— Бўлди, бас қил! — келинни ажратиб уйга киргизиб юборди. Уй ичида ҳам Гул-

га хабар берса... У ўзини оқлайдиган гапни ўйлаб қўйди.

«Тез ёрдам» ни Қаҳрамон ака кутиб олиб, врач ва ёрдамчисини ҳовлига бошлади.
— Келин қоқиниб йиқилиб, хушини йўқотди. Нафас олмаётти.

Бемор сўрида чалқанча ётарди. Кўк қуйлак ва лозими ғижимланган, рўмоли йўқ, со-члари тўзган, ўнг кўз-қовоғи кўхарган эди. Сарварбек юрак уриши тўхтагани, на-фас олмаётганини қайд этди. Қўйлагини ечганларида баданида калтак зарбидан кўкар-ган моматалоқлар кўзга ташланди.
— Мен билан жанжаллашиб, уйга югу-риб кираётиб, полнинг тешигига қоқиниб йиқилиб тушди, ўшанинг жароҳатлари бўлса керак, — деди Жаҳонгир. — Фалокат...

— Заррача зўравонлик аломати бўлса, ҳуқуқ-тартибот органлари га хабар беришга мажбурмиз, — деди «тез ёрдам» врачи Сар-варбек Исмоилов. — Мен навбатчи диспет-черга хабар бериб қўйдим...

Ўтказилган суд-медэкспертиза хулосаси-га кўра Гулнораҳон Абдурахимова мияси оғир ёпиқ жароҳатлангани, бош мия юм-шоқ пардалари ослтарига ва мия қоринчала-рига қон қуюлгани натижасида вафот этган эди. Экспертлар шунингдек, жабрланувчи ҳаёти учун ҳавфли бў оғир тан жароҳатлари-ни ўзига ўзи етказиши ёки йиқилиши нати-жасида олган бўлиши эҳтимолини қатъян

Тиктираётган қўйлагимни ўлчатиб қайтаё-тсам, кўча дарвозанинг бир табақаси ҳали-ям очик, Жаҳонгир ака сўриларининг ол-дида Гулнора опанинг юзига мушт солди, у ерга йиқилди. Ерда ётган жойида икки марта қорнига тепди. Гулнора опа бақириб йиғлаётганди. Жаҳонгир ака «ташқарига чиқасанми, чиқиб кўрчи, нима қилсам қила-ман» деб узраверди...

Қаҳру ғазабини жиловлай олмаган олий маълумотли педагог шу тариқа ўз хотини-нинг қотилига айланди.

Шу ўринда мубрак ҳадислардаги битта ҳикмат ёлға тушди. «Ғазабланма!» Биттаги-на сўздан иборат ҳикмат замирида оламо-лам маъно муҷассам! Аксарият номаъқул ишлар, баъзан фожеали яқунладиган муш-тлашувлар, пичоқбозилар одам ўзи ҳиссиё-тини, айниқса салбий ҳис-туйғуларини жи-ловлай олмаслиги оқибатида юз беради. Фа-заб ақлини кўр қилиб, ўта зарарли оқибатларга бошловчи хатти-ҳаракатлари содир этишга туртки беради. Ғазабини ичига юта олган, енга олган одам эса охир-оқибат ҳақ бўлиб чиқади.

Қаҳр-ғазабини жиловлай олмасдан хоти-нини калтаклаб ўлдирган Жаҳонгир Сама-товга суд тегишли жазо тайинлади.

Абобакр ТОШТАНОВ,
Шаҳрихон туман прокуратураси қатта терговчиси



Италияда мафия билан алоқадорликда гумон қилинган 38 киши хибсга олинди. 300 нафар полициячи қатнашган операция Италия жанубидаги Кротон шаҳрида ўтказилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакилларининг тахминича, ушланганларнинг барчаси «Ndrangheta» жинойи уюшмаси аъзоларидир. Улар талончилик, наркотикларнинг ноқонуний савдоси,

Мафия тўғрисида ёзиш хавфли

Болгариядаги уюшган жиноятчилик ҳақидаги кўплаб китоблар муаллифи, танили ёзувчи Георгий Стоев суикасд уюштирилди. «BBC News» ахборот агентлигининг хабар беришича, 35 ёшли Стоев мамлакат пойтахти Софиядаги меҳмонхоналардан бирининг олдида номаълум шахслар томонидан ўққа тутилган. Бошидан жароҳатланган ёзувчи зудлик билан шифохонага келтирилган. Бироқ врачлар унинг ҳаётини сақлаб қола олмадилар. Жиноятчилар воқеа жойидан яширинишган.

Ўтмишда тансоқчи бўлиб ишлаган Стоев 1989 йилда социалистик тузум ағдарилгандан сўнг мамлакатда бош кўтарган «Болгария мафияси» тўғрисида бир неча китоб ёзган. Маълумотларда айтилишича, Стоевнинг ўзи ҳам муқаддам уюшган жиноят гурӯҳига аъзо бўлган экан ва айнан унинг солиқ «хамкасаблари» ёзувчининг ўлимини уюштирган бўлишлари ҳам мумкин. Полиция вакилларининг маълумотномасига кўра, сўнгги вақтда Болгария пойтахтида «буюртма»



жиноятлар сони тобора ортиб бормоқда. Ававлроқ, яъни душанба кунини Козлодудедаги атом электр станциясини бошқарадиган фирманинг раҳбари Борислав Георгиев ҳам қўтилар қўлида ҳалок бўлганди.

«Ndrangheta»га қарши зарба

мансабдор шахсларга пора бериш ва қотиллик жиноятларини содир этганликда айбланишмоқда. Улардан учтаси ўз уюшмаларининг уш аъзосини ўлдирганликда, иккитаси эса уюшган жинойи гуруҳлар устидан ўтказилган суд жараёнларида қатнашган давлат айбловчиси Пьеро Паоло Брунига суикасд қилганликда гумон қилинаёпти.

«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, «Ndrangheta» аъзоларини хибсга олиш операцияси тўрт йил давомида тайёрланган экан. Полиция, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишга рози бўлган маъмур жинойи уюшманинг солиқ беш нафар аъзосидан олинган маълумотлардан кенг фойдаланган. Операциянинг дастлабки босқичларида полициячилар учта қурол-аслаҳа оम्борларини аниқлашган. Уларда кўплаб қуроллар ва портловчи моддалар сақланган экан.

Грек тилидан «Ҳурматли уюшма» дея таржима қилинадиган «Ndrangheta» жинойи уюшмаси Италияда томир отган энг кўпсонли уюшмалардан биридир. Маъмур уюшма аъзолари асосан Италия жанубидаги Калабрия ҳудудида фаолият юритишади. Айрим туманларда мафия маҳаллий ҳокимиятни ўқли назорат қилиб, бюджет маблағларини ўз билгинича сарфлайди. Маълумотларга қараганда, «Ndrangheta» ўзининг фаолияти орқасидан ҳар йили 35-40 миллиард евро даромад олар экан.

Чорасиз немис тadbirkори

Германиянинг Балинген шаҳридаги пивахона эгаси 60 ёшли Ули Штегмайер ўз уйида жонига қасд қилди. Ўлим олди ҳафта у Улимда жамоат жойларида чекишни маън этувчи қонунни айблади. Ули Штегмайер 30 йил давомида пивахонага эгалик қилган. 2007 йилнинг августидан шаҳардаги жамоат жойларида чекишни маън этиш тўғрисидаги қонун кучга киргач, пивахона миқозлари сони кескин қамайиб кетган. Оқибатда Штегмайернинг даромали 20 фоизга қисқарган. Ушбу вақт давомида у қонунни беқор қилиш йўлида ҳаракат қилаётганларга маблағ ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаган. Лекин барчаси бесама қетган. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонундан зарар кўрган Штегмайерга ўхшаш тadbirkорлар Германияда анчагина. Чунки пиво немисларнинг чой ўрнидаги ичимлиги деса ҳам бўлади. «AFP» ахборот агентлиги.



Ҳукмадан прокурор ҳам ҳайрон

Филиппин армиясининг тўққиз нафар зобити мамлакат президенти Глория Макапагал Арройога қарши фитнада қатнашганлик учун узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукми қилинди. Беш йил давом этган суд жараёнининг якунига кўра, улардан икки нафари 40 йилга, қолган еттита сони 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Прокурор Ричард Фадаланнинг айтишича, суд ҳукмидан айбловчилар ҳам ҳайрон қолишган. Давлат айбловчиси зобитлар — капитан Жерардо Гамбала ва Мило Метрэкхампога 20 йил қамоқ жазосини сўраган эди. Лекин суд 20 йилни кам дея ҳисоблаб, 40 йил берди.

Эслатиш жоизки, 2003 йилнинг 27 июлида Филиппин армиясининг бир гуруҳ зобитлари мамлакатнинг пойтахти марказидаги Макаати туманида портлашлар содир этиб, Маниладаги меҳмонхона ва савдо комплексини эгаллаб олишган эди. Исён бошланганидан 19 соат ўтгач, улар ўқ узмасданқас таслим бўлишган. Исён бостирилгач, ҳуқумат бу воқеани катта фитнанинг бир қисми дея баёнот берди. Исёнчиларнинг таъкидлашича, улар ҳуқуматдаги коррупцияга қарши норозилик сифатида бош кўтаришган. Шунингдек, улар мамлакат президентининг истеъфосини ҳам талаб қилишган, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги.

Ким ҳақ?

Грецияда пенсия ислохотларига қарши бўлиб ўтаётган норозилик намойишларига журналистлар, ҳуқуқшунослар ва телекоммуникацион компаниялар хизматчилари ҳам қўшилишди. «CNN» телеканалининг хабар беришича, ҳуқуқшуносларнинг намойиши 2008 йилнинг 16 апрелига қадар чўзилади. Бу муддатда улар судларда қатнашмайдилар. Телекоммуникацион компаниялар хизматчилари 24 соат ишга чиқишмайдилар. Журналистларнинг норозилиги эса атиги беш соатга чўзилди, холос. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг бошидан бери мамлакатда, уч бора оммавий иш ташлаш ҳаракатлари бўлиб ўтди. Уларда деярли барча касб вакиллари иштирок этишди. Янги жорий этилаётган пенсия ислохоти намойишлар бошланганига сабаб бўлди. Ислохотларга кўра, пенсияга чиқиш ёши оширилиб, айрим ҳолларда пенсия миқдори қисқартирилди. Бундан ташқари, унда ижтимоий сарф-ҳаражатлар миқдори ҳам қамайтирилиши назарда тутилган. Греция ҳуқуматининг изоҳлашича, тез орада ушбу ислохот тўлиқ жорий этилмаса, 15-20 йилдан сўнг мамлакат инқирозга учрайди, яъни сўддий қилиб айтганда, бюджет пенсияларни тўлай олмайди.

Мемуарлар эртақми ёки..?

Гаагадаги халқаро трибунал собиқ прокурори Карла дель Понтенинг мемуарлари чоп этилиши муносабати билан Россия ташқи ишлар вазирлиги трибуналга мурожаат этиб, Косово сербларига қарши ҳарбий жиноятларнинг тергов қилиниши жараёнига оид расмий ахборотларни талаб қилди. Ҳужжатда кўрсатилишича, Косово озодлик армиясининг «мустақиллик учун кураш» шиори остида Косовонинг тинч серб аҳолисига қарши содир этилган жиноятлари инсониятни ларзага солади. Узини биртомонлама мустақил деб эълон қилган Косово атрофидаги ҳозирги вазият учун мемуарлардаги ахборотлар нақадар муҳим эканлигини инобатга олган ҳолда, Россия ташқи ишлар вазирлиги Гаага трибуналыга мурожаат этиб, Карла дель Понте ўз эсдаликларидан кўрсатган Косово сербларига қарши

жиноятлар тўғрисида халқаро судда ахборотлар ҳақиқатан бор-йўқлиги ҳақида ҳамда бу ишлар бўйича қоритилган тергов ҳаракатлари хусусида маълумот сўраган.

2008 йилнинг 3 апрелида сотувга чиққан «Ов(шикор): мен ва ҳарбий жиноятчилар» китобида дель Понте Косово озодлик армиясини фаолияти билан боғлиқ бир қатор шов-шувли маълумотларни келтирди. Унинг таъкидлашича, КОА жангарилари дала қўмондонни Рамуш Харадиной ва ҳозирги бош вазир Ҳошим Тачи бошчилигида Косово ҳудудида яшовчи сербларни қўшни Албанияга ўғирлаб чиқиб, уларнинг тана аъзоларини сотиш билан шуғулланганлар. Яқинда иш юзасидан жалб қилинган гувоҳларнинг кўрсатма беришдан бош тортанлиги сабабли Рамуш Харадиной Гаага трибунали томонидан оқланди.

Колумбия Революцион Куроли Кучлари (КРКК) жангарилари француз инсонпарварлик гуруҳига гаровдагиларни қўриқдан ўтказишга йўл қўйишмади. Улар маъмур ҳаракатларини инсонпар-

лашган лагерларга келиб, у ерда сақланаётган гаровдагилар, хусусан, гепатит «В» хасталигига чалинган таникли сиеатчи Ингрид Бетанкурни қўриқдан ўтказишга умид боғлашганди. Мам-

фуқаролигига эга Ингрид Бетанкурни 2002 йилда гаровга олганди. У КРКК қўлида сақланаётган 700 та маъбусдан биридир, деб хабар қилади «France Presse» ахборот агентлиги.

Фабио Капелло жиноятчими?

Италия терма жамоасининг бош мураббийи Фабио Капелло иштини тергов қилаётган Италия прокуратураси унинг турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари Эдуардо ва Пьерфиллиппони ҳам гуноҳланувчилар қатарига кириштиб қўйди. Капелло солиқларни кўп миқдорда тўлашдан бўйин товлаш жиноятида айбланмоқда. Аммо унинг оила аъзолари қандай жиноятда гумон қилинаётгани ҳозирча сир тутилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида чиққан ушбу хабарни Фабио Капелло иштини олиб бораётган прокурор Марко Жанолю ҳам расман тасдиқлади. Италия тренерига нисбатан жиноят иши 2007 йилнинг бошида кўзгатирилган эди. Бу тўғридаги ахборот эса бир йил ўтгач, 2008 йилнинг январидан ошқор этилган. Капелло 2004 - 2006 йиллар мубайида ҳомийлик шартномаларидан тушган даромадлардан солиқ тўламаганликда айбланмоқда. Прокуратура маълумотига кўра, гап мураббий солиқ хизматига хабар бермаган 10 миллион евро устида кетмоқда, деб хабар қилади «Reuters» ахборот агентлиги.



Исёнчилар рад қилишди

варлик гуруҳининг келишига ҳеч қандай розилик берилмаган деган жавоб билан изоҳладилар. Маълумки, ўтган ҳафта Франция президенти Николля Саркозининг ташаббуси билан Колумбияга дипломатлар ва «Қизил ҳоч» ши-фокорларидан иборат инсонпарварлик гуруҳи жўнатилганди. Гуруҳ аъзолари исёнчилар жой-

лакат президенти Альваро Урибе маъмур гуруҳининг Колумбия ҳудудида бўлишига расман розилик бериб, французлар ҳамда КРКК жангарилари билан мулоқотни осонлаштириш мақсадида исёнчилар жойлашган ҳудудларда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб туришга ваъда берганди. Исёнчилар Франция ҳамда Колумбия



Телеоператорлар қаерда?

8 апрель кунини Миср полицияси «Ал Жазира» телеканалининг икки ходимини хибсга олган. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, телеоператорлар икки кундан бери тартибсизликлар давом этаётган Маҳал эл-Кобра шаҳрида қўлга олинган.

Маҳал эл-Кобрада бўлиб ўтаётган норозилик намойишлари жойларда полициячилар билан тўқнашуларга айлиниб кетмоқда. Намойишчилар асосан банд нархлар ҳамда оғлиқ иш ҳақининг камлигига қарши чиқишмоқда. Ҳозирча телеоператор билан ёрдамчисининг қаерда эканлиги номаълум. 7 апрель кунини норозилик намойишчилари 7 минг киши қатнашди. Умуман олганда, норозилик ҳаракатлари бошланганидан бери 300 киши хибсга олинган, 90 таси жароҳатланган, бири ҳалок бўлган. «Ал Жазира» телеканалининг хабар беришича, Миср аҳолисининг 40 фоизи 2 долларга ҳам етмайдиган даромад билан камбағалликда кун кечирмоқда. Намойишлар муниципал сайловлар арасида бошланган. Маълумотларга қараганда, мисрликлар муниципал кенашларнинг 30 фоиз аъзосини сайласа бас, қолган 70 фоизи ўз-ўзидан президент Хусни Муборак бошчилигидаги ҳукмрон Миллий демократик партия томонидан банд қилинади.

Талабалар ўқитувчилар томонидан

Париж полицияси ўқитувчилар қисқартирилишига қарши норозилик намойишларида қатнашган бир неча талабани хибсга олди, деб хабар қилади «France Presse» ахборот агентлиги. Намойиш ташкилотчиларининг айтишича, тadbirkор 20 минг киши иштирок этган. Ақсарият намойишчилар тартибини сақлаган ҳолда қўлларидан ўқитувчилар химосига ёзилган плакатлар билан Люксембург боғларидан бошлаб юриб келишган. Шундай бўлса-да, полициячиларни тошбўрон қилган бир гуруҳ тартиббузарларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ ва тўқмоқлардан фойдаланишга мажбур қилинди.

Маълумки, Франция президенти Николля Саркози мамлакатда бюрократия ва у билан боғлиқ сарф-ҳаражатларни қамайтириш йўлида кенг қўламдаги ислохотлар ўтказмоқда. Маъмур ўзгаришлар ичига таълим тизимини ислох қилиш ҳам киритилган. Унда бир неча минг ўқитувчи ўринларини қисқартириш режалаштирилгани боис, Париж талабалари француз ўқитувчиларига ҳамжихатлик таразидан пойтахт қуқаларида норозилик намойишларини ўтказмоқда. Намойишчиларнинг таъкидлашича, бу ислохотлар француз жамиятининг устуни бўлиши меҳнат ва ижтимоий қафолат тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўтағларнинг охирати обод бўлсин!

Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Гулнора Ҳамроевага падари бузруквори

КАМОЛ отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳукм қилган таъзия изҳор қилади.

Адашмасам, 1998 йили «Соҳибқирон юлдузи» газетасида қадимшунос олим Амриддин Бердимуродовнинг «Фозил сураат тарихи» деган мақоласини ўқиган эдим. Унда айтилишича, Германияда музейлардан бирида «Амир Темур бўлмаси» бўлиб, унда «Темур ва Боязид» деган сураат бор экан. Германияга сафар қиладиган бўлсам, бориб уша сураатни бир кўраман, деб кўнглимга тугиб қўйганман.

Олимнинг ёзишича, италиялик машҳур рессом Андрео Челести бу сураатни XVII асрнинг иккинчи ярмида, яъни 1650 йилдан кейин барокко усулида яратган. Қирол Буюк Фридрих II уни катта пулга сотиб олиб, меҳмон бўлиб келадиган қиролларни қабул қиладиган катта залга ўрнаттирган. Сураатнинг узунлиги 8 газ, баланглиги 3,5 газ экан. Олим сураатда тасвирланган ҳолатни баён қилиб шундай ёзади: «Тасвирнинг сўл томонида Соҳибқирон Амир Темур ўтирибди, унинг олдида хонтахта, устига узун дастурхон ёзилган. Дастурхонда бир қанча олма ва бошқа ноз-неъматлар... Дастурхон қаршисида Боязиднинг хотини жория либосида тасвирланган. У икки қўллаб қадаҳ ушлаб турибди, қадаҳга бир турк хизматкори шароб қуймоқда. Аёлнинг қиёфасида ғам ва ҳайрат ифодаси. Орқа кўринишида эса қафас ичра Йилдирым Боязид ўтирибди, унинг кўзлари чақнайган, қаҳр билан мушт бўлиб тутилган кўллари Соҳибқирон томон чўзмоқда. Боязидга тегишли аёнларнинг қиёфалари ташвишли, улар ўйчан ва дол... Узоқда эса улкан қалъанинг деворлари кўзга ташланади...» Олим шуларни ёзар экан, сураатда

йилнинг 5 ноябрида Дамашқда туғилган. Ибн Арабшоҳнинг онаси уни ва акасини олиб, қарвон ортидан Самарқандга қараб рафони бўлган. Амир Темур унинг одамлари Арабшоҳлар оиласига ҳеч қандай зулм ўтказмаган, зиндонбанд қилмаган, қул қилиб ишлатмаган. Самарқандда яшаган йилларида, яъни 1401-1408 йилларда Ибн Арабшоҳ ўз билимини истаганча оширишга муяссар бўлган, кейинчалик жуда кўп мамлакатларга саёҳат қилган, Самарқандда бориб тазийк остида яшамаган. Бундан ташқари у бу ерда форс, турк ва мугул тилларини ўрганган. Идику Темир мадрасида Сайид Шариф Муҳаммад Журжоний ва Шамсуддин Му-

ди, зеро шунча мамлакатларни забт этиб, буюк салтанат қўрган Соҳибқирон қаердаю, Самарқандга жўнатилган асирларга эртаниб келган болакай қаерда... Ибн Арабшоҳнинг 1408 йилдан кейинги ҳаёти саёҳатлар билан боғлиқ. Авваллига у Хитой ва Мугулистонга сафар қилган, кейин Дашти Қипчоқнинг Сарой шахрига борган. Шундан сўнг у Аштархон (Астрахан) шахрига бориб, бир муддат уша ерда яшаган, уйланган. Абдулваҳоб исми ўли (1410) шу ерда дунёга келган. Кейин у Қримга ўтган, 1411 йилда эса Қора денгиз орқали Адрианаполга, турк



1636 йилда лотин тилига, 1658 йилда француз тилига таржима қилиниб, чоп этилган. Демак, Челести Ибн Арабшоҳнинг асирдан илҳомланиб ушбу сураатни чизган деб тахмин қилишга асосимиз бор. Зеро, «Ажойиб ал мақдур»да (275-276 бетлар) «Ибн Усмондан Темур олган бир қасос...» деган бўлим бор. Унда айтилишича, Амир Темур бир кун катта бир базм уюштириб, унга Боязидни ҳам таклиф этди. Ушбу базмда ўтирган Боязид бу ерга йиғилган меҳмонларга ўзининг жория ва хотинлари хизмат қилаётганликларини қўриб қаттиқ қайғуга чўмган. Ибн Арабшоҳнинг бу гаплари умуман ҳақиқатга тўғри келмайди, зеро Амир Темур хотинларни ҳўрлашга бутунлай қарши бўлган. Анқара жангидан сўнг у Боязиднинг кўпгина европалик хотинларини озод қилиб, ўз юртига қайтариб юборган. Юнон ҳўкмдорининг унга гўзал қизини йўл харажатлари билан таъминлаб, ватанига қайтарган. Боязид ҳўрамитга зўрлаб олиб келинган бир неча испан аслзода аёлларини испан элчиларига қўшиб, Кастилия қироли саройига жўнатган. Аслида Амир Темурнинг Боязид устига бостириб боришига ҳам хотинлар сабабчи бўлган. Маълумки, Соҳибқирон билан Боязид ўртасида узоқ вақтлар давомида элчилик алоқалари хусусида ёзишмалар бўлган. Амир Темур Ибн Усмонга ҳеч дағал муомала қилмаган, унга нисбатан ҳеч бир адоват билдирмаган. Лекин ҳаққоний сўзи билан юмшоқ модала қилиб, унга лутф кўрсатган. Унга фасод муомаласи бўлган, вилоятларни хароб этган, одамларни ҳўлак қилган Аҳмад Жалойирий ва Қора Юсуф Туркмоиний ўз мамлакатни заминидан қўчириб

Ибн Арабшоҳнинг «Заҳар» тили

тасвирланган ҳолат ҳақиқатга мос келмаслигини, Амир Темур Боязидни ҳўрлаган, деган фикрни машҳур француз файласуф адиби Волтер ҳам барча тарихий далилларни ўрганиш асосида қатъий рад этганлигини, Андрео Челести бу сураатни Ибн Арабшоҳнинг кўпгина Европа тилларига таржима қилган «Ажойиб ал мақдур фи тарихи Таймур», яъни «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» деган китобини ўқиб таъсирида яратган бўлиши эҳтимоллигини баён қилган. Ибн Арабшоҳ ва унинг «Ажойиб ал мақдур»и хусусида анча-мунча гаплар эшитган бўлсамда, ҳали ўзим уни ўқимагандим. Катта ёзувчилардан сўрасам, «ука, шу китобни ўқиманинган ҳам маъқул, кайфиятнинг бузилмайди», дейишгандан кейин «амму неъмат мазалик» деганларидек, китобни баттар қучлик-роқ жидду-жаҳд билан ахтара бошладим ва ниҳоят таниқли арабшунос олим Убайдулло Уватов томонидан таржима қилинган «Амир Темур тарихи»ни қўлдан фалон пулга сотиб олишга муваффақ бўлдим. Китобни қайта-қайта ҳижжалаб ўқиб чиқдим, десам ҳам бўлади. Катталарнинг айтгани тўғри чиқди. Кўнглим ҳижил тортиб, ичимга чироқ ёқса ҳам ёришмайдиган бир ҳолатга тушдим. «Нима, Амир Темур Ибн Арабшоҳнинг арпасини хом ўрганмидики, у Соҳибқиронни бунчалар қора бўёқларда тасвирлайди. Бунинг сабаби нимада» деган ўй миямда чарх урарди. Тўғри-да, 1401 йили Сурия забт этилгач, Дамашқдан жуда кўп олимлар-у фозиллар, меъморлар, рессомлар, қосиб ва усталар Мовароуннаҳрга олиб кетилганда Ибн Арабшоҳ ўн икки ёшли бола бўлган. У 1389

ҳаммад ал-Жазарий каби машҳур олимлардан таълим олган. Ибн Арабшоҳнинг ўзи ҳам Самарқандда бўлган даврида шу ердаги кўпгина эътиборли кишилар билан ўтказган суҳбатларини «Ажойиб ал-мақдур»да бир неча бор такрорлайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, Ибн Арабшоҳнинг Амир Темурга нисбатан шахсий гарази бўлмаган. Шундоқ экан, муаллиф Соҳибқироннинг ҳаёти, сураати ва сийрати, шахси ва қилган ишлари хусусида кўпдан-кўп ва хилма-хил маълумотларни келтирган бўлса-да, нега уларни озгилдан боди кириб, шоди чиқиб баён этган? Дарҳақиқат, таржимон бир мақоласида таъкидлаганидек, «гарчи Ибн Арабшоҳ Соҳибқиронга қора чаплашда ниҳоятда сахийлик қилган эса-да, ўзи билган барча ёмон сўзларни ишлатган бўлса-да, барибир Амир Темур шахсининг бетимсол талъати ҳар қандай чанг-тўзон, губордан голиб келаверди» (У.Уватов. Ибн Арабшоҳнинг истеҳзоли эътирофи. Хуррият. 2004. 31-март). Аммо мен барибир Ибн Арабшоҳнинг бундай ёзишга нима сабаб бўлганини, тили нега бунчалар «заҳар»лигини аниқлаш учун унинг таржимани ҳолига қайтандан эътибор қаратдим. Ибн Арабшоҳ 1401 йилда Самарқандга келганида 12 ёшли бола эди. Шунга асосланган бўлсак, унинг Амир Темурни шахсан кўрганлиги мунозараталаб бўлиб қола-

султони Муҳаммад I нинг саройига келган. Авваллига у султоннинг ўли Мурод II ўқиши учун форс ва араб тилидаги китобларни турк тилига таржима қилган. Маълум вақт ўтгач, у султон ҳўкматида «котиб-ус-сир», яъни «шахсий котиб» даражасига кўтарилган. 1421 йилда, Муҳаммад I нинг вафотидан сўнг ватанига қайтишга қарор қилиб 1421 йилда Ҳалабга, 1422 йилнинг ёзида эса Дамашққа етиб бўлади. 1429 йилда Маккага ҳаж сафарига боради. 1436 йилда Қоҳирага келиб, бир муддат бу ерда истикомат қилади ва ўзининг «Ажойиб ал-мақдур фи навоби Таймур» («Темур келтирган мусибатларда тақдир ажойиботлари») асарини яратди. Эътибор қилинг, муаллиф Амир Темурга боғлиқ воқеаларни ул зотнинг вафотидан ўттиз йиллар кейин тасвирлаб берган. Қоҳирадалигиде у султон Зоҳир Чақмоқнинг таклифига биноан бир қанча вақт унинг саройида яшаган ва уни маъл эйтиб бир асар ҳам яратган. Ушбу асарига ёзган сўзбошида у «Ажойиб ал мақдур фи тарихи Таймур» китобидеги ёмонликлар баёниде булганган қаламини тозалаш учун ушбу асарни ёзганлигини баён этган. Буни мен «Амир Темур тўғрисида ёмон гаплар ёзиб, қаламинимни булгаб қўйгандим, уни тозалаш учун ушбу асарни ёзим», деган маънода тушундим. Кошки шундай бўлган бўлса... «Ажойиб ал мақдур» асари бир қанча тилларга, шу жумладан лотин, француз, инглиз, турк тилларига таржима қилинган. 1636 йилда асарни нашрга тайёрлаган Якоб Голиус унинг лотинча таржимасини ҳам берган. 1658 йилда у француз арабшуноси П. Ватье томонидан француз тилига таржима қилиниб, Парижда чоп этилган. Энди яна мақолаимиз бошида тила олинган сураатга қайтайлик. Италиялик рессом Андрео Челести уни XVII асрнинг иккинчи ярмида, яъни 1650 йилдан кейин чизган. Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал мақдур» асари юқориде айтиб ўтганимиздек

жобирини маслаҳат берган. Чунки гуноҳга рози бўлишнинг ўзи гуноҳкорлик, худосизга эҳсон кўрсатиш — худосизликдир. Фосиқ, муртаб, бахат киши фожир золим лўттибоздан ёмонроқдир. Шошқалоқ турк султони Амир Темурни ниҳоятда таҳқирловчи мактуб жўнагани: «Агар сен биз томонга келмасанг, сенинг хотинларинг ўн талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсан-у, мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил ўн талоқ бўлсин». Мактубни ўқиган Амир Темур «Ибн Усмон мажнун ва аҳмоқ экан» дейди ва Боязид устига юриш қилишга тайёргарлик кўра бошлади. Зеро, хотинларга тил тегишиз бизда жуда катта айб, фоят катта гуноҳ ҳисобланади. Ибн Арабшоҳ «Амир Темур ўч олиш мақсадида Ибн Усмоннинг хотинларини базма келганларга шароб туттувчи соқийлар сифатида ишлатди», деган бир ёлгон гапи касофатида, Европани турк истилосидан сақлаб қолган халоскор сифатида мадҳ этилиши лозим бўлган Соҳибқирон уларнинг назариде бағритош, шафқатсиз ҳўкмдор сифатида гавдаланиб қолган. Зеро, бу гапларни ўқиган Челести сураат чизган бўлса, Кристофер Марлога ўхшаган драматурглар Соҳибқиронни таҳқирловчи саҳна асарлари яратганлар. Кўрпачизми, биринчи саволимиз яна олдимизда кўндаланг бўлгяпти: Ҳўш, нега Ибн Арабшоҳ ўз асариде Соҳибқирон юзига қора чаплашга ҳаракат қилган ва кўпгина ҳўлларда бунинг уддасидан чиққан? Бошқалар нима дейди, билмадим-у, аммо менимча Ибн Арабшоҳнинг 1411 йилдан 1421 йилгача турк султони саройида фаолият кўрсатгани бунда асосий рол ўйнаган бўлса ажабмас. Қудратли Рум давлатини забт этиб, номдор Йилдирим Боязидни тахтдан мосуво қилган Соҳибқиронга нисбатан кейинги турк ҳўкмдорлари қабилда қандайдир адоват уйғонганлиги эҳтимолдан ҳўли эмас. Бу ҳислар турк ҳўкмдори саройида ўн илг давомида «шахсий котиб» вазифасида ишлаган Ибн Арабшоҳга ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлиши мумкин. Валлоху аълам. Йўлдош ПАРДА, ёзувчи

Эълон
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШИ ПРОКУРАТУРАСИ МУАССИСЛИГИДА
ЧОП ЭТИЛАЁТГАН «HUQUQ» ЮРИДИК ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ

Газетани янада сифатли, замон талабларига мос чоп этишни кўзлаб ҳамда кўп сонди мушаррийларнинг талабини инобатга олган ҳолда нашрни тўрт хил (4x4) рангда чоп этишни режалаштирган.

Шу мақсадда пойтахтдаги босмаҳоналарни ҳамкорликка чорлаймиз.

Мурोजаат учун тел: 233-98-40; факс: 233-10-53

Huquq
yuridik gazeta

To' sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-82, 233-10-53.

E-mail: huquq97@mail.ru

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 255. 21 933 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Nowbotchi muharrir: **Z. MAMADALIYEV**

Musohihli: **A. MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMK boshmaxonasida oset usulida chop etiladi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda